



Ўзбекистон
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ
ҒАҶЕТАСИ

ТУРКИСТОН

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

1995 йил 25 октябрь. Чоршанба. № 41 (14293)

ترکستان

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

НЬЮ-ЙОРК УЧРАШУВЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК (23 октябрь). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг БМТнинг эллик йиллигига бағишланган тантанали мажлисида иштирок этиш учун Америкага келган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов бугун бир қатор давлатлар раҳбарлари ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашди. Чехия Республикаси Президенти Вацлав Гавел ҳамда Украина Президенти Леонид Кучма билан БМТ қароргоҳида бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Ислам Каримов шу кунги ўзи учун ажратилган қароргоҳда Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси раиси Ким У Жунни қабул қилди. Қабул чоғида Асакада мазкур корпорация билан ҳамкорликда қурилаётган автомобил заводида тезроқ ишга тушириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Президент, шунингдек, «Чейз Манхеттен банк» ҳамда «Америкен интернейшнл груп» кенгашига ташриф буюриб, уларнинг раҳбарлари билан учрашди. Американинг етакчи

банкларидан бири ҳодимлари ҳамда номи зикр этилган кенгаш аъзоларига Ўзбекистон ва унинг бутунли ҳаётида руй бераётган туб ўзгаришлар, айниқса, узаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қиладиган сиёсий барқарорлик тўғрисида гапириб берди. Манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун узаро мулоқот ва ахборот алмашувини кучайтириш лозимлигини таъкидлади. Айни пайтда Америка фирма ва молиявий муассасалари вакиллари билан Марказий Осиё бозорига кириб бориши сўст кечаётганининг сабаби ахборот тақчиллигида эканини таъкидлади.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Чейз Манхеттен банк» уртасида битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва «Америкен интернейшнл груп» уртасида узаро бир-бирини тушуниш тўғрисида Меморандум имзоланди.

Фахриддин НИЗОМ.
(ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

24 октябрь кунги Республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, уюмлар, концернлар, корпорациялар, бирлашмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди. Мажлисни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Йиғилишда иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг тўққиз ойлик яқунларини баҳолаш ва жорий йил охиригача ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар, халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқаришнинг аҳоли, мазкур товарларни ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг иқтисодий ва молиявий аҳолини янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳамда Коммунал хизмат курсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идораларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қиш мавсумига тайёргарликни тугаллашга доир ишлари тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Бош вазир уринбосарлари — «Ўзистқоблостат» давлат қўмитаси раиси У. Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, шунингдек Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажоновнинг мажлис кун тартибига киритилган масалалар юзасидан матбузалари тингланди. Айрим вилоятлар ҳокимларининг, тегишли вазирлик, корпорация, концерн ва уюмлар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди.

Йиғилишда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи уринбосари И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Бош вазир уринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

«РОҲАТ» — ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Сурхондарё вилояти Узун туман маданият ишлари бўлими қўшида пахтакорларга маданий хизмат курсатиш мақсадида махсус гуруҳлар тузилган. Гуруҳга «Райхон», «Рохат» каби ашула ва рақс халқ дасталари ҳам жалб қилинган.

Кунги кеча «Рохат» ашула ва рақс халқ дастаси «Гулистон» жамоа ҳужалигининг Сангин Саидов бошлиқ бригада пахтакорлари ҳузурида бўлишиб, уларнинг янги концерт дастурларини намойиш қилишди. Дастанинг Абдулатиф Усмонов, Нурали Ҳожиёв, Саломат Рибжова, Муҳаббат Буриева каби талантили санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқ ҳамда рақслар пахтакорлар томонидан илқ қабул қилинди.

Гулмира МУСАЕВА.

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

Куйидаги маҳсулотлар келишилган нархда сотилади:

1. Бензин А-76 (сотиладиган энг кам миқдори 1000 тонна)
2. Аккумулятор СТ-190
3. ВАЗ енгил автомашинаси (21099)

4. «Қоратов» навли пиез уруғи
5. Труба Ø 76
6. Карбамид (қопланмаган) Масъулияти чекланган «Туркистон ёшлари» жамияти.

Мирожаат учун телефонлар: 33-79-69, 36-58-48.

«ЯШИЛ БУРГУТ»НИНГ ПАРВОЗИ

«Пахтакор» марказий стадиони анчадан бери тўлмаган, шарқий зонаси эса томошабин курганига икки-уч йил булган эди... Бугун эса буш жой йўқ.

Афро-Осиё кубог... Ўзбекистон — Нигерия... АҚШда ўтган жаҳон чемпионатида Болгария устидан 3:0, Грециядан 2:0 ҳисобида устун келган ва Италия футболчилари билан деярли тенг уйнаб, уйинни 1:2 га бой берган африкалик чарм усталари Ўзбекистон футболчиларига қарши... Миллий терма жамоамиз, албатта, уйин бошларида ҳаяжонланиб тўп суришди. Ва...9-дақиқадак нигериялик ҳужумчи Сандай Олисе Беляков билан яккама-якка чиқиб ҳисобни очди. Африкалик тўп усталари шулардан кейин деярли уйинида ҳужумрон бўлиб қўшилди. Ўзбекистонликлар биринчи бўлимда асосан химоя чизигида тўп суришди.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида эса ниҳоят бизнинг уйинчиларимиз нигерияликлар билан ҳам тенгма-тенг уйнаш мумкинлиги



ни исботлашди. Устунлик энди Ўзбекистонлик футболчилар томонига ўтди. Агу қўриқлаётган дарвоза энида хавфли вазиятлар... Ҳужум кетидан ҳужум... Шквирин, Абдураимов, Назаровларнинг яқунловчи зарбалари тоғ дарвоза энига, тоғ дарвозабоннинг қўлига бориб тушарди. Ҳужумлардан бирида Азамат Абдураимовни

ун бир метрлик жарима майлончасида йиқитишди. Аммо ҳакам е қурмай қолди, е...

«Сен урмасанг, сенга уришди», деган гап бор футболда. Биттагина аjoyиб қарши ҳужум... Яна чап қанот очик... «Монако» (Франция) жамоасининг ҳужумчиси Виктор Ик

псанининг йўллаган зарбаси Нигерия терма жамоасининг ҳисобига иккинчи тўпни қўйди-қўйди. Ўзбекистонлик футболчилар яна ҳужумга тапшаришди. Учрашувнинг энг яхши уйинчиси деб топилган Миржалол Қосимовнинг шиддатли ҳаракатлари ниҳоят самара берди. Унинг чамаси 20

метрлардан тепган тўпи Аллоис Агу қўриқлаётган дарвоза турига бориб тушди. Стадион ҳайқирдиқлар остида қолди. Энди уйинчиларимиз бирин-кетин чиройли уйин курсата бошлади. Майдонга Равшан Бозоров ва Шухрат Мақсудовларнинг тушиши ҳужумни кучайтирди. Химоя эса ҳар дам гидек... Яна ўша чап қанот... Бизга таниш булган Кана Нвану боши билан очик қолган дарвозага тўп киритди. Ҳисоб 1:3. Яна бизнинг ҳамюртларимиз ҳужумда... Бутун уйин давомида тиниб-тинчимайган Миржалол Қосимов яна санъатини намоян эди. Унинг бурчакдан йўллаган тўпига ҳамоячимиз Андрей Федоров етиб келди ва боши билан тўпни тушпатури дарвоза томон йўллади. Ҳисоб 2:3.

Уйин яна етти дақиқа давом этди. Бу вақт мобайнида Бозоров деярли яккама-якка чиқиб, дарвозани туғри нишонга ололмади. Федоровнинг зарбаси ҳам... Ҳакам ҳўптаги янгради. Наҳора... Омад дегани бор... Бирок Ўзбекистон терма жамоаси курсатган уйин жуда ҳам чиройли чиқди. Насиб қилса, Лагос шаҳридаги тақрорий учрашувда бизнинг уйинчиларимиз нимага қодир эканликларини курсатишар, деган умиддамиз.

Хайрулло ҲАМИДОВ.

ҲАМ МАКТАБ, ҲАМ БОҒЧА

Дуққат: ЯТТИЛИК!



Пойтахтнинг Сирғали туманидаги 4-маъеда янги типдаги 318-бошланғич мактаб-боғча мажмуи иш бошлади.

Мактаб-боғча олдингиларидан тубдан фарқ қилади. Бу ерда кичкинтойлар илк таълим сир-асорларини эгаллашади, дам олишади. Энг муҳими, бунинг учун бошқа жойларга қатнашмайди.

— Бу янгликни амалга ошириш осон кечмади, — дейди биз билан суҳбатда унинг директори Ҳамид ака Хужаёнов. — Бахтимизга, жажжиларнинг бахтига яхшиям «Ўзбекистоннинг қантқўшқори» очик турдаги ҳиссалорлик жамияти (раиси Раҳматулла Муҳаммаджоёв) бор экан. Уларнинг ҳомийлигида иш бошланди. Фарзандларимизнинг келажиги, мустақил республикамизнинг истиқболига ишонган, унинг учун жон қуйиладиган саҳий, танти инсонларгина бундай ҳотамтойликка қодир. Улар бор экан, болаларимиз кам бўлмайди.

Мактаб-боғча ҳозиргача 80 нафар кичкинтойни уз бағрига олди. Аслида ўқит-тарбия олиш истагини билдирганлар 176 нафар эди. Энг муҳими, болалар эмас, муаллимлар, тарбиячилар ҳам танловдан утишди. Мактаб-боғчада болалар 6 ёшдан 10 ёшгача таҳсил олади. Бу масканда математика, инглиз тили, электрон ҳисоблаш асослари каби фанлар чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади.

СУРАТЛАРДА: бошланғич мактаб-боғча мажмуининг очилиш тантаналаридан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.



054744-96

ҚАЛБИМИЗГА ЯҚИН

Ҳар бир кишининг ўз севган нафиси бўлади. Мен эса «Туркистон»нинг муҳлисман. Беш йилдан бери ҳар бир сонини ўқиб бораман. Газетадаги ахлоқ мавзусида ёзилган мақолалар менга жуда ёқди. Тўғриси, бугунги кунда инсоннинг ахлоқидан ҳам муҳимроқ нарсанинг ўзи йўқ. Чунки айрим ёшлар нопок йўлларга кириб ўғрилиқ ва гиеҳандлик каби жиноятларга қўл урмоқда. Улар ўз қилмишлари учун жазоланмоқда. Аммо... Ёшларни нопок йўллардан қайтаришда «Туркистон»да берилаётган ахлоқ мавзусидаги мақолаларнинг урни катта деб ўйлайман.

Мен ҳам кўп минг сонли «Туркистон»нинг бир муҳлиси сифатида 1996 йил учун сеvimли газетамга обуна бўлдим. Уйлайманки, тахририят ҳодимлари биз севган мавзуларда қалам тебатиб, ўз муҳлисларини хурсанд қилади.

М. НИЁЗОВА,
Сирдарё вилояти,
Гулистон тумани.

ШУНЧАКИ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Ким нима деса, десину, бугун шунчаки яшаб бўлмайди. Замон, шиддат билан кечаятган давр, ақл бовар қилмас янглик ва кашфиётларга тўла кунлар ҳар бир соҳа вакиллари шунга ундамоқда.

Биз қишлоқ ҳужалик меҳнатқашлари ҳам янги технологияларни жорий этиш ва ички имкониятларимизни ишга солишда бошқа ҳамкасбларимизнинг илгор тажрибаларига таянамиз. Бу эса узлуксиз ўқиб-ўрганишни талаб қилади. Албатта, бунда оммавий ахборот воситаларининг хизмати бекиёе.

Йилда жамоа ҳужалигимиз аъзолари билан маслаҳатлашиб, кунгилмизга яқин булган «Туркистон» газетасига ёзилдик. Келаси йили ҳужалигимиздаги 15 та бригаданинг ҳар бири биттадан «Туркистон» оладиган бўлди.

Қўйсин БЎРИЕВА,
Яккабўғ тумани «Шарқ юлдузи» жамоа ҳужалиги раиси муовини.

ТУРКИСТОННИ КИМ СЕВСА, «ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА БЎЛАДИ!

ОБУНА НАРХИ

Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда:

- Якка тартибдаги обуначилар учун:
- Нашр индекси — 64607
- 6 ойга — 424 сўм 80 тийин
- 12 ойга — 849 сўм 60 тийин
- Ташкилотлар учун:
- Нашр индекси — 64633
- 6 ойга — 528 сўм 90 тийин
- 12 ойга — 1057 сўм 80 тийин

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

- Якка тартибдаги обуначилар учун:
- 6 ойга — 380 сўм

Нашрларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар республика вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳрига қараганда бирмунча қимматроқ бўлганлиги туфайли (хаво йўллари, темир йўл ва автотранспорт харажатлари ҳисобига) пойтахт шаҳрида нашрларнинг обуна нархи алоҳида кўрсатилган.

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

